O'ZBEKISTON
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 26 май ЧОРШАНБА ● № 41 (12.261)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

## ЯНГИ УФҚЛАРГА ЧОРЛАГАН КУН

**Инсоннинг келажакда ким бўлиши, қайси касбнинг бошини тутиб, жамиятда қандай ўрин эгаллаши, қисқаси, қандай шахс бўлиб етишиши умумтаълим мактабидаги муҳитга бевосита боғлиқ. Мактаб нафақат таълим ва тарбия маскани, балки устозларнинг беғараз ва беминнат меҳри воситасида Ватанга, халққа муҳаббатни шакллантирадиган даргоҳ ҳамдир. Шу сабаб ҳатто мактаб тезроқ тугаб, мустақил ҳаётга йўлланма олишни бетоқатлик билан кутаётган ўқувчининг ҳам сўнгги қўнғироқ чалинганида юраги бир орзиқиб тушади.**



Бугун мактабдаги таълимни якунлаб, сўнгги қўнғироқ садолари остида дўстлари ва устозларига ўзгача бир нигоҳ билан боқаётган, улардан ажралгиси келмаётган битирувчиларнинг хаёлидан юқоридаги ўйлар кечган бўлса ажаб эмас.

Вилоятдаги барча мактабларда бўлгани каби, Зангиота туманидаги 15-умумтаълим мактабида ҳам сўнгги қўнғироқ тантанаси мароқли ўтди. Туман халқ таълими бўлими вакиллари, маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этган маросим ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Куй, қўшиқ ва рақслар йиғилганлар кўнглини хушнуд этган бўлса, меҳмонларнинг эзгу тилаклари битирувчиларни келажак сари руҳлантирди.

Битирувчиларни энди янги келажак ва имкониятлар кутмоқда. Бу йил вилоятимиз мактабларининг 9-синфларини 49 минг 407, 10-11-синфларини 5 минг 912 ўқувчи битирди. Улар ўрнига 41 минг 249 нафар 1-синф ўқувчилари келиши кутилмоқда. Битирувчилар учун жойларда навбатдаги босқич таълим даргоҳлари ва мутахассисликларни танлаш бўйича тақдимот кунлари ўтказилди. Уларнинг кўпчилиги қайси лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришларини ҳозирданоқ аниқ белгилаб олишган.

2009-2010 ўқув йилида вилоятимиздаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни 32 минг 571 нафар ўқувчи битираётир. Уларнинг 31 минг 748 нафари касб-ҳунар коллежларида умумий таълимни якунлаш билан бирга, ўзлари қизиққан мутахассисликни пухта эгаллади. Битирувчилар учун шаҳар ва туманларда ўтказилган "Меҳнат ярмаркалари" ва "Мутахассислик кунлари", айниқса, фойдали бўлди. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Азимжон Холдорбековнинг айтишича, касб-ҳунар коллежлари дипломини олган ёшларимизнинг 56,3 фоизи турли иш берувчи ташкилот ва корхоналар билан 3 томонлама шартномалар имзолаганлар. Улар энди мактаб ва коллежда олган билимларини Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида сарфлашга бел боғлашган.

...Кўнгилларни ларзага солиб, сўнгги қўнғироқ чалинди. Битирувчилар учун янги ҳаёт бошланди.

Устозлари, қадрдон таълим даргоҳлари қучоғини тарк этиб, умидли келажак сари интилаётган битирувчиларнинг эзгу ниятлари ушалишига, Ватан ва халқ корига яровчи шахслар бўлиб етишишларига тилакдошмиз.

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



## КЎЧАТ ҚАЛИН – ҲОСИЛ ТАЙИН

**Эрта кўклам ерни тайёрлашга киришган пахтакорнинг дилида ҳам, тилида ҳам бир ният айланаверади: "Ишқилиб, яхши кўчат олайлик-да, у ёғига марра бизники". Бу хайрли ташвишда жон бор. Деҳқонлар тили билан айтганда, ҳосил тупдан олинади. Яъни кўчати бут деҳқоннинг ярим хирмони тайин. Қолган ярми кейинги саъй-ҳаракатларга боғлиқ.**

Бу йил кўклам ҳавоси паст, серёғин келди. Бундай вазиятда чигитни қулай фурсатда экиб, текис ундириб, тўлиқ кўчат олиш катта тажриба, малака талаб этади. Эплаган ниятига етади, эпламаган...

Оққўрғонлик Бурхон Қурбонов укувли, тажрибали пахтакор. Фермер бўлибдики, шартнома режаларини ортиғи билан бажариб келаяпти. Бу мавсум ҳам 55,4 гектар майдонга чигит экиб, кўнгилдагидек кўчат олди. Кейин ҳавонинг пастлигини ҳисобга олиб, ишловга зўр берди. Яъни ғўза ниҳоллари илдиз қисмига ҳаво ва ҳарорат етказиб бериш мақсадида қатор ораларини бир эмас, уч марта юмшатди. Барча аъзоларни чопиққа сафарбар этди. Сўнгра яганани ҳам қисқа фурсатда якунлашди.

– Энди ғўзага биринчи ўғитни бериб, сувга тайёргарлик кўраяпмиз, – дейди фермер. – Шу билан бир вақтда ғўзасининг ривожидан кўнглимиз тўлмаётган майдонларни қўшимча культивация қилаяпмиз.

**СУРАТДА:** фермер Бурхон Қурбонов қўшимча ишлов берилаётган майдонда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

## ВАЗИФА АНИҚ, ГАП ИЖРОДА

**Вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси, вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2010 йил 1 майда тасдиқланган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги баённома ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар муҳокама этилди. Хусусан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман ва шаҳар бошланғич ташкилотлари фаолиятидаги камчиликлар, кадрлар қўнимсизлиги, ҳудудий кенгашларнинг моддий-техник таъминланиши борасидаги масалаларга урғу берилди. Айрим шаҳар ва туман ҳокимликларининг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари дуч келаётган моддий ва ҳуқуқий муаммоларга бефарқ қараётгани танқид қилинди.

Ташкилотнинг бошланғич бўғинларига коммунал тўловлар ва бино ижараси бўйича имтиёз бериш, керак бўлса беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича тавсиялар ўртага ташланди.

Йиғилишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова қатнашди.

## МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА ЖИДДИЙЛАШДИ

**Вилоят ҳокимлигида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими, комиссия раиси Рустам Холматов бошқарди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексига қўшимча модда киритилиши муносабати билан вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва бу борада бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, комиссия йиғилишида вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилган ишлар таҳлили муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, аниқланган жиноятларнинг учдан бир қисми вояга етмаган шахслар томонидан тунги вақтда содир этилган. Айниқса, ёшларнинг қаровсиз қолиши, уларнинг тунги кўнгилочар масканларга ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар кузатувисиз қатнаши криминоген вазиятнинг юзага келиши учун шароит яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритилган тегишли ўзгартиришлар нафақат кўнгилочар маскан эгалари, балки ота-оналарга ҳам жиддий масъулият юклайди.

Йиғилишда "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексга ўзгартириш киритиш ҳақидаги қонун моҳиятини аҳолига тушунтириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишиб олинди.

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

**Республика Болалар ижтимоий мослашув марказида оилавий қонунчиликда болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий тартибга солиш мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

## ЭЪЗОЗДАСАН, БОЛАЖОН

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда болалар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш, меҳрибонлик уйлари ходимлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари назоратчилари ўртасида болаларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги тажриба алмашинувини йўлга қўйиш сингари кўпгина масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича керакли ҳужжатларни йиғиш ва тиклаш, мазкур ҳужжатларни кўриб чиқилишини соддалаштириш ҳамда амалга оширилиши мониторингини изчил йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, жисмоний ва маънавий етук авлодни шакллантириш ҳамда уларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш борасида қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, аввало, фарзандларимизнинг камол топиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан шарт-шароит яратишдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида юртимизда ҳар бир фарзанд меҳр ва эътиборда эканининг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

## ҲАР БИРИ БИР ОЛАМ

**Қуйичирчиқ туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида Баркамол авлод йилига бағишлаб республика Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари руҳшуносларининг илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.**

Ёш авлодни руҳан тетик, жисмонан соғлом, мантиқий фикрлашга қодир қилиб тарбиялашда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўрни алоҳида. Шуни ҳисобга олиб ўтказилган семинарда руҳшунослар хонасини ташкил қилиш ва жиҳозлашга эътибор қаратилди.

– Вилоятимизда 120 та коллеж бўлиб, бу йил 49 мингдан зиёд 9-синф битирувчиларини қабул қилади, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси илмий-услубий кенгаши раиси Абдуқаюм Хушвақтов. – Биз битирувчиларни коллежларга қабул жараёнида руҳшунос хизматидан фойдаланиб, боланинг қизиқишидан келиб чиқиб касб танлашига кўмаклашмоғимиз лозим. Бунда албатта, ҳар бир ўқувчига умумтаълим мактаби ўқитувчиларидан бириктирилиб, руҳшунос билан битирувчи суҳбати жараёнида ота-она билан бевосита ўқитувчи ҳам иштирок этиши шарт.

Семинарда таълим муассасаларидаги руҳшуносларнинг меҳнат фаолияти мониторинги натижалари таҳлил қилиниб, машғулотлар ҳудудий гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилди.

**Нигора БОБОҚУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, жойлардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш каби қатор масалалар ижросида маҳалланинг ўрни ва аҳамияти катта.**

## МАҲАЛЛА ҲАММА ИШДА БОШ

Шу туфайли мазкур тузилма фаолиятини янада такомиллаштириш ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

"Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг навбатдан ташқари конференциясида шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, жамғарма томонидан олиб борилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилинди. Сўзга чиққанлар жамғарма олдида турган вазифалар кўлами бениҳоя кенглиги, уларни бекаму кўст адо этишда бевосита маҳалла жамоатчилиги ҳамда бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан ўрнатилган алоқалар яхши самара бераётганини таъкидлашди.

Конференцияда ташкилий масала кўрилди. Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси вазифасида ишлаб келган Суяржон Қурбонқулов "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси этиб сайланди.

Йиғилишда республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А. Аҳмедов иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

2010 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси –
205.





«ПИЛЛА – 2010»

## ХИРМОНГА БАРАКА

**Бекобод туманидаги "Бекобод кумуш тола" шўъба корхонаси вилоятда биринчилардан бўлиб, пилла қабул қилишни бошлади. Дастлаб 15 та пиллакор хўжалик ўзлари етиштирган маҳсулотни топшириб, юзлари ёруғ бўлди.**

Бугун фермер Азим Жавақовнинг ҳам қувончи чексиз. У 1,5 қути қурт боқиб, 92 килограмм «кумуш тола» етиштирди. Аҳамиятлиси шундаки, у биринчи бўлиб давлат шартномасини бажарди. Эвазига туман ҳокимининг совғаси – телевизорни қўлга киритди.

"Алиқул Сардорбек" фермер хўжалиги пиллакори Насиба Абдуллаева ҳам илғорлар қаторида. У бир қутидан 54 ўрнига 65 килограмм пилла олиб, шартномани ортиғи билан бажарди. "Қунишбой ота" фермер хўжалиги пиллакори Заргул Тожиева ҳам сифатли пилла топшириб, гиламли бўлди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**СУРАТЛАРДА:** пиллакорлар ҳосили тош босаётганидан мамнун; ҳосил қабул қилиш пайти.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



# ЯНГИ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида ахборот-ресурс маркази ташкил этилди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг илмий-маърифий маълумот олиши учун барча шарт-шароитни яратиш, ахборот хизматини сифат жиҳатдан янги поғонага олиб чиқиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Баркамол авлод йилида бу борадаги ишлар доираси янада кенгаймоқда.

Миллий кутубхона қошида ахборот-ресурс марказини ташкил этишдан мақсад – ўқувчиларга интернетдан бепул фойдаланишда яна бир имконият яратиш, ёшларнинг турли фанларга оид илмий-маърифий маълумотларни тез ва сифатли олишига яқиндан кўмаклашишдан иборат. Педагоглар, тадқиқотчилар, кутубхоначилар, ҳуқуқшунослар ва бошқа соҳа вакилларига хизмат кўрсатувчи ушбу марказда замонавий ахборот-коммуникация технологияларига оид турли ўқув машғулотлари ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт





# МАЙДОНДА ФАҚАТ АЁЛЛАР



**Бекобод шаҳрининг "Ёшлик" спорт мажмуасидаги бу галги мусобақалар янада қизиқарли ва файзли ўтди. Бунинг боиси бор, албатта. Вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган хотин-қизлар спартакиада баҳона бир даврада жамулжам бўлиб беллашишди, дўстлашишди, дилдан суҳбат қуришди.**

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда аёллар спортнинг 4 тури бўйича ўзаро куч синашдилар.

Жумладан, арқон тортишда янгийўлликлар ғолиб бўлса, волейбол баҳсларида чирчиқлик аёлларнинг қўли баланд келди. Якка баҳслар, хусусан, найза улоқтиришда чирчиқлик Н. Раҳматлуллаева энг юқори натижа кўрсатди.

Енгил атлетика беллашувлари икки гуруҳ, яъни 20 дан 30 ёшгача ҳамда ундан юқори ёшдаги хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтди. 20 дан 30 ёшгача бўлганлар баҳсида Бекобод шаҳридан В. Макарова биринчи ўринни эгаллади. Юқори ёшдаги аёллар ўртасида олмалиқлик М. Тожибоева ёшлардан асло қолишмади. Умумжамоа ҳисобида Бекобод шаҳри аёллари биринчи, чирчиқликлар иккинчи, Янгийўл тумани хотин-қизлари учинчи совринли ўринларни қўлга киритишди.

200 дан зиёд хотин-қизлар иштирок этган тадбир ҳақиқий спорт байрамига айланди. Ҳомийлар ғолиб ва иштирокчиларга эсдалик совғалари топширишди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** мусобақалардан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

ШЕЪРИЯТ

## ҚАСР

*Битта-битта ғишт қўйиб,*
*Қаср курдим ўзимга.*
*Қурган қасрим чиройли*
*Кўринади кўзимга.*

*Шу қасрда яшадим,*
*Шу қасрда айтдим сўз.*
*Мени кимдир тушунди,*
*Кимдир олайтирди кўз.*

*Тушунганга шеър айтдим,*
*Тушунмаган терс қарар.*
*Лекин менинг карвоним,*
*Манзилга қараб борар.*

*Бири бутун, бири синиқ,*
*Ғишт деворни ушлайди.*
*Бутун-синиқ шеърларим,*
*Ўз кўнглимни хушлайди.*

*Менга минор керакмас,*
*Шоҳона уйлари ҳам.*
*Элим тинч ва тўқ бўлиб,*
*Кўзлари бўлмасин нам.*

## ҚАНОАТ

*Ҳаёт –*
*Менга бериб кўрди*
*Барча неъматларини:*
*Сочмадим.*
*Ҳаёт –*
*Менга бериб кўрди*
*Барча азобларини:*
*Қочмадим.*
*Ҳаёт –*
*Менга бериб кўрди*
*Сир-синоатларин:*
*Очмадим.*
*Ҳаёт –*
*Менга бериб кўрди*
*Шону-шавкатларини:*
*Тошмадим.*
*Ҳаёт –*
*Мени ҳар синовга*
*Солиб кўрди: Шошмадим.*
*Менга*
*берган синовингдан*
*айланай, ҳаёт.*
*Бир умрга*
*Бўсағангга*
*бойланай, ҳаёт.*

## ИККИ ДЎСТ

*Қишлоқда ўсганди бу*
*иккала дўст,*
*Ўн сотих ҳовлига*
*сиғиб юрарди.*
*Ҳар кун десам балки*
*муболағадур,*
*Кун ора бир-бирин*
*излаб турарди.*
*Шаҳарга келишиб*
*"катта" бўлибди,*
*Машина, дала ҳовли,*
*ғазна тўлибди.*
*Кеча орасидан қил*
*ўтмай юрган,*
*Бугун*
*Бири бирин мазах*
*қилиб юрибди.*

**Абдулла МАЪДИЕВ.**

*Хусрав Шоҳоний,*
*Эрон ёзувчиси*

# САВОБ БЎЛАДИ ДЕБМАН

(Ҳажвий ҳикоя)



Эрталаб енгилгина хўрак қилдиму йўлга тушдим. Ишхонам яқин. Пиёда борақолай, дедим. Кўчага чиқдим. Шу пайт тобут кўтарган одамлар кўринди. Бир четга чиқиб, қараб турдим. Марҳум бечораҳол, мискин кимса шекилли, тобут ортида беш-олти киши борар, на қора кийиб йиғлаган аёллар, на белини боғлаган хешу ақраболар кўринарди. "Худо раҳмат қилсин", деб юзимга фотиҳа тортдим. Шу он ичичимдан бир нидо келди: "Ҳей мардум, сенга савоб керак эмасми? Мусулмон мусулмоннинг биродари, билсанг! Жилла қурса, тобутни етти қадам елкангга ол, охиратинг обод бўлади".

Ноилож издиҳомга қўшилдим. Секин бориб, тобутнинг бир чеккасига елкамни тутдим. Ўн қадам... йигирма қадам... қирқ қадам юрдим. Марҳум шўрлик залворликкина экан, елкам эзилиб кетди. Пешонамдан тер қуйди. Юз қадамча юрганимда оёқларим чалишиб, тобутни ташлаб юборишимга сал қолди. Зора бирон инсофли киши ўрнимга келса, деб ёнверимга қарайман. Қаёқда! Ҳар ким ўз дардини дастурхон қилиб кетяпти. Биров нарх-наводан гапирса, биров об-ҳаводан гапиради.

Охири бўлмади. Қабристонга етай деганимизда тобут қўлимдан чиқиб кетди. Яхшиям орқамдаги бир йигит ҳушёрлик қилди. Бўлмаса, тобут ағдарилиб, майит кўчада қоларди.

Қабристонга етдик. Калтак еган ўғридек ҳамма ёғим зирқирайди. Тик туришга ҳолим йўқ. Тўп этиб ўтирдим. Бир пас нафас ростлаб, ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Шу пайт ёнимдаги киши енгимдан тортди:

– Ўтиринг! Қаёққа борасиз? – деб шивирлади. – Шунча ердан келдингиз. Майитни тупроққа топшириб кетмайсизми? Уят бўлади-я.

Чора йўқ, жойимга чўкдим. Бир вақт ғала-ғовур бўлиб қолди.

– Кўммайман, дедим, кўммайман! – деб ҳайқирди гўрков. Билсак, марҳумни ерлашга рухсатнома олинмаган экан. Ҳамма бир-бирига қаради.

– Марҳумнинг яқинлари борми? – деб сўради қори. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Бояги киши яна енгимдан тортди.

– Адашмасам, сиз давлат одамига ўхшайсиз. Ўзингиз бориб, рухсатнома ёздириб келмасангиз бўлмайди. Кўрдингиз, бечоранинг бу дунёда ҳеч кими йўқ экан.

– Ахир мен ишга боришим керак, тушунасизми, шундоқ ҳам роса кечикдим!

Шу заҳоти ичимдан таънаомуз товуш келди: "Иш қочиб кетмайди, тугамайди ҳам. Бир ғарибнинг ҳожатини чиқармасанг, дунёга нега келдинг?"

Беихтиёр ўрнимдан турдим.

– Анови... кўмиладиган одамнинг исми нима экан?

– Саид оға Мунириддин Офиятталаб, – деди биқинимдаги киши. "Ўзи Саидлардан экан-у, дунёда соясидан бўлак яқини йўқ эмиш. Ҳай, майли".

Шу хаёл билан таксига ўтирдим. Ғизиллаб дафн этиш идорасига бордим. Лекин у ердаги амалдор тихирлик қилди.

– Рухсатномани кимнинг номига ёзай? – деб сўради у.

– Кимга ёзсангиз ёзаверинг. Икки энлик қоғоз берсангиз бўлди. Фақат тезроқ...

– Унақаси кетмайди. Марҳум кимингиз бўлади ўзи?

– Отам ҳам, тоғам ҳам, оға-иним ҳам эмас. Етти ёт бегона, тобутини кўтариб, қабристонгача бордим, холос.

Нозир ручкасини отиб урди.

– Ўликнинг эгаси чиқмагунча, рухсатнома бермайман! Тушунинг ахир, бизда ҳам қонун-қоида бор. Марҳумнинг меросхўри бўлиши керак, эрта-индин унинг маъракаларини ўтказадиган бир мардуми майдон керак, биродар.

– Рухсатнома бермайсизми?

– Йўқ, майитинг ётган ерида ётаверсин. Менга деса чириб кетмайдими!

Қарасам, ростдан ҳам кимсан Саид Мунириддин деган собиқ бир тирик жон гўристонда қолиб кетадиган. Худодан қўрқдим.

– Ҳа майли, менинг номимга ёза қолинг, – дедим бўшашиб.

– Бу бошқа гап, биродар. Исми-шарифингиз...

Рухсатномани олдим-у, елдек учиб мозористонга қайтдим. Кўплашиб, майитни абадий маконига жойладик. Қори тиловат қилди. Ҳамма ўрнидан турди. Мен ҳам ишга зинғилламоқчи бўлдим. Қарасам, бир озғин, бир семиз киши менга тикилиб турибди.

– Йўл бўлсин, биродар?

– Ишга роса кечикдим. Энди хўжайиндан гап эшитадиган бўлдим.

– Йў-ўқ, унақаси кетмайди, – деди бақалоғи, – энди сизникига боришимиз керак. Тўрт калима оят ўқиб, марҳумнинг ҳақига дуо қилишимиз керак.

Дод деб юборай дедим.

– Хўв, қанақа одамсизлар?! Ўлган одам менинг итим ҳам эмас! Умримда уни кўрмаганман. Кимлигини ҳам, қаерда туришини ҳам билмайман! Қаерга бориб, дуо қилсанглар қилаверинглар! Мен ишга кетдим!

Озғин киши билагимдан маҳкам ушлади.

– Бақирманг, марҳумнинг арвоҳи чўчийди. Мана бу қоғозда нима деб ёзилган, ўқинг. Сизни меросхўр деб қўйибди. Демак, бош тортишга ҳаққингиз йўқ. Эртаиндин ҳали унинг мол-мулкига даъвогар ҳам бўлиб чиқарсиз. Қани, кетдик!

Атрофдаги мўминлар ҳам озғин йигитни қувватлади.

– Икки пиёла чой берсангиз, ўлиб қолмайсиз.

– Ҳа, шариати мустафога хилоф иш қилманг, гуноҳ бўлади-я.

Хуллас, ўн чоғли дуогўйни эргаштириб, кулбахонамга равона бўлдим. Чақирилмаган меҳмонларнинг бири олиб, бири қўйиб, хўракка буюртма бера бошлашди:

– Иссиқда қаҳва кетмайди, аччиқ чой қила қолинг!

– Иккита-иккитадан тухум солиб келсангиз ҳам майли.

– Хўв анави муюлишда яхши кабоб қилишади. Тўрттадан кабоб...

– Патир-матир эсингиздан чиқмасин-а, биродари азиз?

Дуогўйлар еб-ичиб бўлгунларича, кун пешин бўлди. Улар кекириб, ўринларидан туришди.

– Уйингиз файзликкина экан, худо хоҳласа, марҳумнинг еттисини, йигирмасини ҳам шу ерда ўтказамиз.

"Буларнинг дастидан қаёққа қочаман энди?" деб бошимни чангаллаб қолдим. Аммо бу кўрганларим ҳолва экан. Томошанинг каттаси сал кейинроқ бошланди. Бир куни уйга келсам, тўрда семиз, олакўз киши билан гумбаздай хотин ўтирибди. Ёнида учта боласи ҳам бор. Болалар шкафдаги китобларни олиб, бир-бирига отиб ўйнаяпти. Булар ким бўлди экан, деб ажаблandим. Олакўз тилга кирди.

– Фақирингиз марҳум Саид оға Мунириддиннинг поччасиман. Бу хоним опаси бўлади. Узоқ йўл босиб, сизга раҳмат айтгани келдик. Гўрков айтди, ўзингиз бош-қош бўлиб, бояқиш укахонимизни охирги манзилга кузатибсиз. Кам бўлманг, илоё икки дунёда хорлик-зорлик кўрманг.

Аёл ҳам минғирлаб мени алқай бошлади. Шу пайт почтачи кириб менга телеграмма узатди. Ўқидим. "Кечки поездда йўлга чиқаман. Эрталаб кутиб олинглар. Саид оға Субҳониддин".

Саид Мунириддиннинг поччаси телеграммага кўз югуртирди-ю, севиниб кетди.

– Субҳониддин ҳам келаётган экан, яхши бўлди.

Оқшом ишдан қайтсам, уй тўла одам. Ўзлари пишириб, ўзлари тушириб ўтирибди. Улар кечаси икки хонани эгаллашди, мен ошхонага чиқиб ётдим. Уч кундан кейин каминанинг дўппидеккина ҳовлиси Саид оға Муниридданнинг йўқ ердан етиб келган қариндошлари билан тўлди. Ўз уйимга сиғмай қолдим. Ишхонада тунайдиган бўлдим.

Бир куни кийим алмаштиргани уйга келдим. Қарасам, эшикда белини ушлаб Саид оғанинг поччаси турибди. Авзойи совуқроқ.

– Келганингиз яхши бўлди, – деди у, – сизни кутиб турувдик.

Ичкарига кирдик. Катта хонага собиқ Мунириддиннинг туғишганлари тўпланди. Почча сўз очди:

– Бизнинг сафаримиз қариди, энди йўл тадоригини кўряпмиз.

"Хайрият, кетганларинг рост бўлсин. Мен ҳам ўз уйимда одамга ўхшаб яшай", дедим ичимда.

– Сизларга оқ йўл, яхши меҳмон қилмаган бўлсам, айбга қўшмайсизлар...

– Оқ йўл тилашдан аввал бўйнингдаги қарзни узиб қўйсанг яхши бўларди,– деб почча "сен"лашга ўтди.

– Тушунмадим. Қанақа қарз?

Почча ёнидан бир варақ қоғоз олиб, бурнимга тақади:

– Мана, дафн этиш идорасидан далилнома олдик. Жигаримизнинг яккаю ягона меросхўри сен экансан. Демак...

– Демак, акажонимдан қолган мол-мулкка ҳам сиз эгалик қилгансиз, – деб гапни илиб кетди Саид оғанинг иниси, – шу мулкни тўлаб қўйинг, тамом-вассалом.

– Шундоқ қилинг, жоним қоқиндиқ! – деб аралашди марҳумнинг опаси. – Бизни йўлдан қолдирманг, тегишимизни беринг. Етимнинг ҳаққини еган кўкармайди, ўргилай.

Қоним қайнади. Ирғиб турдим.

– Ҳей, қанақа махлуқсизлар ўзи?! – деб бақирдим. – Ўша ўлган жигарларингни умримда кўрган эмасман! Қанақа мерос, қанақа мол-мулк? Эсларинг жойидами ўзи? Кўчага чиқсам, лапанглаб тобут кетаётган экан. Савоб бўлади, етти қадам кўтарай, дедим. Қабристонга бордик. Гўрков кўммайман, деди. Азбаройи савоб деб, рухсатнома олиб бердим. Маҳалладагиларга ошсув қилиб бердим. Шунча кун сизларни текин боқдим. Оқибати шу бўлдими? Саид оғанинг арвоҳидан қўрқмайсизларми?

– Менимча, бу кишини судга бериш керак, – деб минғирлади марҳумнинг жияни.

– Судга берасизми, ўтга берасизми – билганларингни қилинглар! – деб чиқиб кетдим.

Бир ҳафтагача уйга қадам босмадим. Оғайнимникида ётиб юрдим. Охири уялдим. Қийшайиб кулбамга кириб бордим. Уйим ўғри урган хонадондай вайрон бўлиб ётибди. Чинни идишлар синган, телевизор қуйган, шкаф ағдарилиб, китобларим йиртилган. Дастурхон-сочиқлар ифлос. Икки кўрпача билан парёстиғим йўқ.

Гаранг бўлиб, хона ўртасида серрайиб туриб қолдим.

**Саъдулла СИЁЕВ таржимаси.**


**«Паркент-Қорасув» ирригация тизими бошқармаси**

**қуйидаги русумдаги автокран сотиб олади: автокран «КАМАЗ» автомашинаси шассисида КС-3577 ва юк кўтариш қуввати 14 тонна бўлиши лозим.**

**Маълумот учун қуйидаги телефон орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-370) 98-32-366. Тел/факс: (8-370) 98-31-200.**



Оққўрғон туманидаги 8-умумтаълим мактаби томонидан 2008 йил 19 июнда Назаров Анваржон Абдусаттор ўғлига берилган U № 3421805 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сирғали туманидаги Сирғали тиббиёт коллежи томонидан 2008 йилда Яхшимуродова Феруза Комиловна номига берилган № 864391 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянные расчетные книжки серийные номера 00054, 00062, 00063, 00064, 00065, 00066, 00067, сертификат пайщиков № LMI-001042, принадлежащие кредитному союзу "LEADER MORTGAGE INVESTMENT",

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтказилган "SAFRAN-NEO" (ИНН 204722439, ОКПО 19285361) хусусий фирмаси "SAFRAN-NEO" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади. "SAFRAN-NEO" МЧЖ "SAFRAN-NEO" хусусий фирмасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Тел.: 441-70-72.

Частная нотариальная контора "Ходжаева Г. Б." Зангиатинского района, Ташкентской области (ИНН 206977293, ОКОНХ 97830), зарегистрированное управлением юстиции Ташкентской области, на основании Указа Президента Республики Узбекистан № УП-4216 от 05.05.2010г.

**ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение одного месяца с момента опубликования данного объявления по телефонам: 287-35-46, 158-16-52.

ООО "ARYAN KANADA EQUIPMENT" (ИНН 300403502, ОКОНХ 61110), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо Улугбекского района г. Ташкента в соответствии с решением учредителя от 01.05.2010 г. **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: 700052, г. Ташкент, М. Улугбекский район, ул. Оккургон, д. 23-А, кв. 24.

Утерянную справку № 2231 для продажи помещения находящегося по адресу: г. Ташкент, ул. Фархадская, д. 14-А, выданная ГлавОПУ 30.08.2006 году на имя Каримовой Манзуры,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

Частный нотариус Пулатов Х. Д. (ИНН 205383346), зарегистрированный управлением юстиции Ташкентской области, согласно Указа Президетна Республики Узбекистан № 4216 от 05.05.2010г. **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: Зангиатинский район, пос. Назарбек, ул. Назарбек.

Учтепа тумани хокимияти Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2003 йил 14 январда 000399-реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "AL-SOG`UNIY" хусусий фирмасининг ҳуқуқиймулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини эълон қилади.

СамПИ томонидан 1994 йил 20 июлда Гайпова Гульнара Жубатовна номига берилган № 001681 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа туман ТСРУИ томонидан рўйхатдан ўтган "SPEKTR PROEKT" МЧЖ (ИНН 301143003) устав фондини 94 761 000 сўмдан (56000 АҚШ доллари 07.01.2010 й. банк ҳолатига кўра 1 USD = 1513,60 сўм 84761600 сўм ва 10.000.000 сўм пул маблағлари билан шакллантирилган) 76.382.400 сўмга 46.500 АҚШ доллари 07.01.2010 й. банк ҳолатига кўра 1 USD = 1513,60 сўм 70.382.400 сўмга ва 6.000.000 сўм пул маблағлари билан шакллантирилганлиги ва камайганлигини маълум қилади.

Тел.: 304-03-77.

Шайхонтоҳур тумани 85-сонли ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Зияев Феружон Закирджанович номига берилган № 091607 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ДП "STEEL-KVA-TECHNOLOGI" прекращает свою деятельность в связи с присоединением к ООО "TASH-KVA-TRANSSERVIS" с 01.05.2010г.

Все требования и претензии просим предъявлять в ООО "TASH-KVA-TRANSSERVIS" по тел.: (8-370) 613-78-91.








ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**

Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**

Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 9941. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5